

УЎК: 613.81/613.84+612.627

**ТАЖРИБАВИЙ НИКОТИН ИНТОКСИКАЦИЯСИНИНГ ОҚ ЗОТСИЗ
КАЛАМУШЛАР БАЧАДОН ВА БАЧАДОН НАЙЧАЛАРИ МОРФОЛОГИК
КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

Хамроқулова Гуласал Назировна

Раджабов Ахтам Болтаевич

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти
Анатомия ва оператив хирургия топографик анатомия (ОХТА) кафедраси.*

Тадқиқот мақсади. Экспериментал никотин интоксикацияси шароитида 9 ойлик оқ зотсиз урғочи каламушларда бачадон ва бачадон найчаларининг морфологик ҳамда морфометрик кўрсаткичларида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш ва уларнинг патоморфологик хусусиятларини илмий асосда баҳолаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот 9 ойлик 60 та оқ зотсиз урғочи каламушларда ўтказилди. Ҳайвонлар тасодифий усулда икки гуруҳга ажратилди: назорат гуруҳи (n=30) ва экспериментал гуруҳ (n=30). Экспериментал гуруҳ каламушларига 30 кун давомида кунига икки марта 30 дақиқадан тамаки тутуни таъсир қилинди. Гистологик кесмалар гематоксилин-эозин билан бўялди. Морфометрик таҳлил эндометрий ва миометрий қалинлиги, бачадон безлари зичлиги (1 мм² га нисбатан), ҳамда бачадон найлари девори қалинлигини микроскопик ўлчаш орқали амалга оширилди.

Натижалар. Назорат гуруҳида бачадон тўқималари физиологик меъёрга мос морфологик тузилишга эга бўлди. Эндометрий бир қаватли призматик эпителий билан қопланган бўлиб, без аппарати яхши ривожланган ва миометрий мушак қатламлари аниқ дифференцияланган ҳолда кузатилди. Экспериментал гуруҳда никотин интоксикацияси таъсирида эндометрий қалинлигининг 412 ± 18 мкм дан 286 ± 15 мкм гача камайиши (30,6%) қайд этилди. Миометрий қалинлиги 598 ± 22 мкм дан 451 ± 19 мкм гача (24,6%) пасайди. Бачадон безлари зичлиги 39,1% га камайиб, без эпителийсида атрофик ва дистрофик ўзгаришлар кузатилди. Бачадон найларида шиллик ва мушак қатламларининг ингичкалаши билан намоён бўлган морфологик қайта тузилишлар қайд этилди: девор қалинлиги 146 ± 8 мкм дан 108 ± 6 мкм гача камайди.

Хулоса. Экспериментал никотин интоксикацияси бачадон ва бачадон найчаларида атрофик-дистрофик морфологик ўзгаришларни юзага келтиради. Аниқланган морфометрик ўзгаришлар никотиннинг аёллар репродуктив тизими органларига ифодаланган токсик таъсирини тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Белов В. И. Морфофункциональные изменения матки при хронической никотиновой интоксикации // Морфология. — 2019. — Т. 155, № 3. — С. 48–54.

2.Егоров К. А. Возрастные и токсически обусловленные изменения матки у лабораторных животных // Архив анатомии, гистологии и эмбриологии. — 2021. — Т. 100, № 4. — С. 61–67.

3.Lee K., Park S., Kim J. Histopathological alterations of fallopian tubes following nicotine inhalation // Anatomical Record. — 2021. — Vol. 304, No. 6. — P. 1245–1253.